

Талаба қизларнинг кийиниш одоби

Кийиниши маданияти – инсоннинг ташқи кўриниши, маънавий дунёси, эстетикаси, ахлоқий сифатлари ва салоҳиятини очиб беради. Кийиниши маданиятига бўлган қараш инсоннинг гўзаллик, нафосат, одоб борасидаги кўз қарашларини ифода этадиган омил ҳамдир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги жадал ривожланиб бораётган глобал даврда кийимлар ҳам, кийинишига бўлган эътибор ва талаб ҳам ўзгариб бормоқда. Қизларимизнинг ҳаё ва ибоси энг катта бойлик. Бу уларнинг юриш-туриши ва кўриниши кийинишида, муомаласида ўз ифодасини топади. Қизларимиз билан шу хусусда ўтказиладиган тадбирлар катта аҳамият касб этади. 2020 йил 30 октябр куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хужалигини механизациялаш муҳандислари институти ГМ факультети хотин-қизлар кенгаши томонидан 1-курс талаба қизлари ўртасида «Талаба қизларнинг кийиниш одоби» мавзусида онлайн сұхбат ўтказилди. Тадбир давомида кийиниши одоби – инсоннинг маънавияти ва диidi, дунёқарашини белгилаши инсонни муваффақиятга эришишида муҳим омиллардан бири эканлиги, иш ва ўқиш жойларида кийинишининг ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикрлар билдирилди. Бу борада "Гидравлика" кафедраси профессори И. Ахмеджожаева томонидан талаба қизларимизга керакли маслаҳат ва йўл-йўриқлар берилди.



Сұхбат давомида талаба қизларнинг қизиқарли саволлариغا «Олим аёллар» клуби раҳбари доцент У. Сангирова маъруза қилдилар. Маъруза вақтида клубнинг мақсади, режалари, институтда талabalар учун яратилган имкониятилар тўғрисида тушунчалар бериб ўтдилар. Сұхбат жуда мароқли тарзда давом этди. Бундай тадбирларнинг узлуксиз равишда ташкил этилиши режалаштирилди.

ТИҚҲММИ матбуот хизмати